

Муаммо аслида борми?



11:39 / 24 сентябрь 603

Автобус ҳар кунги одатига кўра ўз йўналишида ҳаракатланарди. Кунларнинг бирида унга бўйи салкам икки метр келадиган гавдали киши чиқди. Кўринишидан курашчига ўхшарди. Ҳайдовчига тикилиб қаради-да, баланд овозда «Жон чипта пулини бермайди» деди. Сўнг ўриндиққа ўтирди. Ҳайдовчи ундан кўрқиб, у билан тортишмай, вазиятга кўнди. Кейинги куни бу ҳол яна такрорланди. Вазият бир неча кун шу ҳолда давом этди. Жон автобусга минар ва йўл кирани бермасди. Ҳайдовчи бу муаммога ечим топа олмай боши қотди. Тунлари ухлолмасди. Бунга ортиқ тоқат қилолмай қолди-да, бодибилдинг тўғарагига аъзо бўлди, каратэ, дзюдо, ўзини ҳимоя қилишнинг турларини ва жанг санъатини ўрганди. Энди у олдингидек кўрқоқ эмасди. Ўзига ишончи ортган эди. Келгуси ойда Жон ўша автобусга яна чиқди ва Ҳайдовчига тикилиб қараб, «Жон чипта пулини бермайди» деб бақирди. Ҳайдовчи автобусни шартта тўхтатиб, Жонга «Нега тўламас экан?!» деб қичқирди. Шунда Жон ҳайратланган ҳолда қотиб қолди ва автобусда бепул юриш учун гувоҳномаси борлигини Ҳайдовчига тушунтирди.

Ҳар қандай муаммонинг ечимига киришишдан олдин ўйлаб кўрайлик, аслида муаммо борми ёки йўқми.

«Вазиятларни бошқариш санъати» китобидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.